

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ЭГАМБЕРДИЕВА ШАХНОЗА АБДУРАШИДОВНА**

**БИРГАЛИКДА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН ҒЎЗА ВА ДУККАКЛИ  
ЭКИНЛАРНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН СУҒОРИШ ТАРТИБИ ВА  
ТЕХНОЛОГИЯСИ (АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА)**

**06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Эгамбердиева Шахноза Абдурашидовна**

Биргаликда етиштирилаётган ғўза ва дуккакли экинларнинг илмий асосланган суғориш тартиби ва технологияси (Андижон вилояти шароитида).....3

**Эгамбердиева Шахноза Абдурашидовна**

Научное обоснование режима орошения и технологии поливов совмещенного посева хлопчатника и бобовых культур (В условиях Андижанской области).....21

**Egamberdieva Shahnoza Abdurashidovna**

Scientific substantiation of irrigation regime and technology of irrigation of combined sowing of cotton and legumes(Case study in Andijan region).....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ЭГАМБЕРДИЕВА ШАХНОЗА АБДУРАШИДОВНА**

**БИРГАЛИКДА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН ҒЎЗА ВА ДУККАКЛИ  
ЭКИНЛАРНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН СУҒОРИШ ТАРТИБИ ВА  
ТЕХНОЛОГИЯСИ (АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА)**

**06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Т.555 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Серикбаев Бакир Серикбаевич</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Рахимов Шавкат Хударгенович</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Сабитов Амонулло Убайдуллаевич</b> техника фанлари номзоди
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат аграр университети</b>

Диссертация химояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 й «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси , 39 уй. Тел.: (99871) 237-22-67, 237-22-09, факс: (99871) 237-54-79. e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Токент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (99871) 237-22-67.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З. Султанов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**А.А.Янгиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.,

**А.Т.Салохиддинов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда аҳоли сонининг тез суръатда ўсиши, сувга бўлган талабнинг ортиши сабабли қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда суғориш тартиби ва технологиясини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада, етакчи мамлакатлар АҚШ, Канада, Россия, Изроил, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа ривожланган давлатларда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдиган, шу билан бирга ер ва сув ресурсларини иқтисод қиладиган қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, биргаликда етиштирилаётган экинларнинг бир марта ва мавсумий суғориш меъёрларини аниқлаш, суғориш тартиби, техника ва технологияларини такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бирга етиштирилаётган экинларнинг ҳосилдорликка таъсирини белгилаш услубларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, жумладан бир мавсумда икки турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда суғориш тартиби ва технологияларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамизда бир мавсумда бир далада ғўза ва дуккакли дон экинларни етиштиришда суғориш тартиби ва технологияларини такомиллаштириш, ер майдонларидан олинадиган ҳосилдорликни ошириш билан биргаликда тупроқ унумдорлигини бойитиш шунингдек, сув ва ер ресурсларини самарали фойдаланиш усулларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ер ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш»<sup>1</sup>га алоҳида эътибор бериш муҳим вазифа қилиб белгиланган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш тартиби ва технологиясини такомиллаштириш, суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш, ҳар гектар дала майдонидан бир йилда икки, уч ҳосил олиш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сон «2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилиш давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф – муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш тартиби ва технологияси бўйича қуйидаги олимлар илмий ишлар олиб борганлар: Суғориш тартиби бўйича А.Н.Костяков, И.А.Шаров, А.М.Альпатов, Б.А.Шумаков, С.Н.Рыжов, В.Е.Еременко, Н.Ф.Беспалов, Н.С.Горюнов, Ф.М.Рахимбоев, А.А.Терпигорев, А.К.Қашкарров ва бошқалар; Суғориш технологияси бўйича: А.Н.Костяков, Е.С.Марков, Н.Г.Раевская, Н.Т.Лактаев, Б.Б.Шумаков, А.А.Рачинский, С.М.Кривовяз, В.А.Анисимов, Г.А.Безбородов, Б.С.Серикбаев, Ф.А.Бараев каби олимлар томонидан кенг камровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Кўплаб олимлардан А.Н. Костяков, С.Ф. Аверьянов, И.В. Маслов, В.А.Сурин, И.Алиев, Н.Ф.Бончковский, Н.Т.Лактаев, С.М.Кривовяз, И.С.Пашковский, В.Е. Чулаевский, Ж.Н. Мустафаев ва бошқалар суғориш эгатларининг бутун узунлиги бўйлаб фаол қатламнинг тупроқ-грунтларида инфильтрация ва фильтрациянинг математик талқинини ўрганишган, ўзгарувчан оқим билан суғориш имкониятлари эса А.Н.Костяков, Б.Б.Шумаков, И.А.Шаров, Г.В.Воропаев, С.М.Кривовяз, М.Ф.Натальчук, Г.Ю.Шейкин, Н.Т.Лактаев, А.Н.Ляпин, Н.Г.Раевская, В.Ф.Носенко ва бошқа олимларнинг илмий ишлари ўрганилган ҳамда маълум даражада ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунда иқлимнинг глобал ўзгариш шароитида қишлоқ хўжалик экинларининг суғориш тартиби, техника ва технологияларини аниқлаш тўлиқ даражада ўрганилмаган. Биргаликда етиштирилаётган ғўза ва дуккакли дон экинларнинг суғориш тартиби ва технологияларини мақбул элементларини аниқлаш етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация иши бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий тадқиқот ишлари режасининг 15.1/2016 - сонли «Андижон ва Тошкент вилоятлари фермер хўжаликларида ғўза қатор оралиғида дуккакли экинларни биргаликда етиштириш орқали ерларнинг унумдорлигини ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш» (2015-2016 йй), 1.19/2014-сонли «Ирригация ва мелиорация тизимларидан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш» (2014-2015 йй) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Андижон вилояти ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида биргаликда етиштирилаётган ғўза ва дуккакли дон экинларининг суғориш тартиби ва технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Андижон вилояти бўз тупроқлари шароитида ғўза ва дуккакли дон экинларини биргаликда етиштиришда сув, ҳаво ҳарорати, намлиги, буғланиш, фаол қатламнинг намланиши, тупроқнинг механик таркиби ва экинларнинг ўсиш даврини ҳисобга олган ҳолда суғориш меъёрини илмий асослаш;

биргаликда етиштирилган ғўза ва дуккакли дон экинларини эгатлаб суғоришда эгат элементларининг параметрларини илмий асослаш;

биргаликда ғўза ва дуккакли дон экинларини етиштиришда суғоришнинг инновацион технологиялари такомиллаштириш;

биргаликда ғўза ва дуккакли дон экинларини етиштиришда ресурстежамкор мелиоратив тадбирларни такомиллаштириш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Андижон вилояти Булоқбоши тумани Жўраполвон массиви «Замирабону саҳовати» фермер хўжалигининг ўтлоқи бўз тупроқлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** биргаликда ғўза ва дуккакли дон экинларини етиштиришда ресурстежамкор суғориш тартиби, техника ва технологияси элементларининг мақбул қийматларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида суғориш тартибини аниқлашда биоиклим ва сув баланси усули, фаол қатламдаги фильтрация ва инфилтрация ҳаракати тезлигини аниқлаш усули, ўзгарувчан оқим билан суғориш усули, эгатлаб суғоришда эгат охирида призма шаклида намланиш усули, эгатлаб суғоришда эгатда сувнинг ҳаракатини математик ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

биргаликда етиштирилган ғўза ва дуккакли дон экинларнинг суғориш меъёрини аниқлаш усули, биоиклим ҳусусиятларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

биргаликда етиштирилган ғўза ва дуккакли дон экинларини суғориш технологияси усули, эгат элементларининг параметрлари (эгат узунлиги, нишаблиги, эни, эгатдаги сув сарфи, суғориш вақти, эгатдаги фаол қатламнинг намланиш миқдори, эгатда сувнинг юриш вақти ва узунлиги) асосида такомиллаштирилган;

узун берк эгатлар орқали ўзгарувчан оқим билан суғориш усули, эгат оғирида қўшимча призма шаклидаги намлик ҳосил қилиш асосида фаол қатламнинг бир текис намланиш технологияси такомиллаштирилган;

биргаликда ғўза ва дуккакли дон экинларини етиштиришда ресурстежамкор мелиоратив тадбирлар усули, сувдан самарали фойдаланиш ва тупроқдаги азот ва гумус миқдорини 0,11-0,2 фоизгача ошириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалик экинларини суғориш тартиби, техника ва технологияларини танлаш услубини калибровка ва адаптация қилишда Ўзбекистондаги кўп йиллик тажриба натижалари ва дала тадқиқотларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган.

Андижон вилоятининг табиий-хўжалик шароитида биргаликда ғўза ва дуккакли дон экинларини етиштиришда, суғориш тартиби ва технологияларининг мақбул қийматлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотлар билан тасдиқланганлиги, тажриба натижаларини ушбу тадқиқот йўналишида бошқа муаллифларнинг натижалари билан таққосланганлиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўз тупроқлар шароитида ғўза ва дуккакли дон экинларни суғориш тартиби ва суғориш меъёрини аниқлашда биоиклим усули асосида ҳисоблаш, инновацион технологияларинг мақбул элементларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фермер хўжаликлари, сув истеъмолчилари уюшмалари, Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, лойиҳа-қидирув ва олий ўқув юртларида фойдаланиш учун ғўза ва дуккакли дон экинларини бирга етиштиришда ресурстежамкор суғориш тартиби ҳамда технологияларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Биргаликда ғўза ва дуккакли дон экинларни етиштиришда суғориш тартиби ва технологияларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

Андижон вилояти ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида ғўза ва дуккакли дон экинларини биргаликда етиштириш технологияси Андижон вилояти Булоқбоши тумани худудидаги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига кирувчи Норин-Қорадарё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли «Замирабону саҳовати», «Тўхтасин меваси», «Эргаш раҳмон ерлари» ва «Зоиржон Низомов» фермер хўжаликларида тадқиқотнинг илмий ишланмалари жорий қилинган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 5 февралдаги 02/29-84-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида пахта ҳосилини гектарига 2,2 центнер кўпаштиришга, бир гектар ғўза даласидан кўшимча (пахта ҳосилига) 16,5 центнер дуккакли дон ҳосили ва 36 центнер ем-ҳашак олиш имкони яратилган;

ғўза ва дуккакли дон экинларни биргаликда етиштириш орқали ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига кирувчи Норин-Қорадарё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Мелиоратив экспедициясида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 5 февралдаги 02/29-84-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида суғориладиган

майдонларнинг фаол тупроқ қатламидаги гумус ва азот миқдорларини ошириш орқали тупроқнинг бонитет балини 7-9 фоизгача ошириш имконини берган;

биргаликда ғўза ва дуккакли дон экинларини етиштиришда, эгатларнинг узунлиги, сув сарфи, суғориш вақти, эгат сувларининг маълум вақтда оқиб ўтиш узунлиги, гидравлик элементлари ва фаол қатламнинг намланиш текислигини таъминлаш технологиялари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига кирувчи Норин-Қорадарё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 5 февралдаги 02/29-84-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида, гектаридан вегетация даврида 800 куб метр сув тежаш, узун эгатларда ўзгарувчан оқим технологияси асосида эгатларнинг фойдали иш коэффициенти 0,95-0,97 гача, сувдан фойдаланиш коэффициенти 0,96-0,98 гача, суғориладиган майдонлардан фойдаланиш коэффициенти 0,91-0,92 гача кўтариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий - амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий ишлари нашр қилинган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақолалар, жумладан, 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** Ўзбекистон ва жаҳонда ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги баён қилинган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва тадқиқотларнинг ИТИ тадқиқот режаларига узвий боғлиқлиги, тадқиқотларни олиб бориш услублари, бажарилган тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва уларнинг ишончлиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **Вўза ва дуккакли дон экинлари етиштиришда ресурстежамкор суғориш тартиби ва технологияларни қўллашнинг таҳлили** деб номланган, биринчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг табиий - хўжалик шароити ва ерларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолати, Андижон вилояти шароитида қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда қўлланилаётган суғориш тартиблари баён этилган.

Диссертация мавзуси бўйича, қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш тартиби, усули, техника ва технологиялари алоҳида ҳар турли табиий хўжалик шароитларида бажарилган. Олимлардан А.Н.Костяков, С.Ф.Аверьянов, В.В.Колпаков, Е.С.Марков, М.Ф.Натальчук, А.И.Голованов, И.П.Айдаров, И.А.Шаров, Блейни-Кридли, М.Х.Пенманлар, С.Ф.Аверьянов, И.Г.Алиев, Н.Ф.Бончковский, Ж.С.Мустафаев, Н.Р.Хамраев, Б.С.Серикбаев, Ф.А.Бараев, М.Х.Хамидов ва кўпгина олимларнинг илмий услубий тадқиқотлари ўрганилган.

Андижон вилояти табиий хўжалик шароитида илк бор ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида ғўза ва дуккакли дон экинларини етиштиришда ресурстежамкор техника ва технологияларини ишлаб чиқишда назарий, экспериментал илмий текшириш ва дала ишлари олиб борилди.

Диссертациянинг **Вўза ва дуккакли экинларни биргаликда етиштиришнинг суғориш тартиби ва технологиясини назарий илмий тадқиқот иши натижалари** деб номланган, иккинчи бобида, ғўзани суғориш тартиби ва технологиясини танлаш, эгатлаб суғоришда сувнинг филтрация ва инфилтрацияга кетган қийматлари ҳисобланган ва эгатдаги сувнинг ҳаракатининг математик модели танланган.

Қишлоқ хўжалиги экинларини ресурстежамкор суғориш техника ва технологиясини яратишда сувнинг эгат бўйлаб ҳаракат қилиш жараёни катта аҳамиятга эга. Бунда биз Ж.М. Мустафаев, А.Д.Рябцев, С.Р.Ибатулин, А.Т.Козыкеевалар томонидан ишлаб чиқилган математик моделни қабул қилдик.

Ер юзасида сув оқимининг ҳаракати ва унинг тупроққа шимилиши ҳолатларида нозикли дифференциал тенгламалар тизими билан тавсифланади. Эгат бўйича сув оқими ҳаракати жараёнини тавсифловчи Сен-Венане тенгламалар тизими қуйидаги кўринишга эга:

$$\frac{dQ}{dt} + \frac{d}{dx} \left( \frac{Q^2}{w} \right) + gw \left( \frac{dh}{dx} - J + \frac{Q}{K^2} \right) = 0 \quad (1)$$

$$B \frac{dh}{dt} + \frac{dQ}{dx} - d(x,t) = 0 \quad (2)$$

бунда:  $Q(x,t)$  - эгатдаги сув ҳажми;  $B(h)$ - эгатдаги сув юзаси эни;  $w(h)$ - жонли кўндаланг кесим юзаси;  $h(x,t)$  – эгатнинг сув тўлдириш чуқурлиги;  $J(x)$ - эгат туби нишаблиги;  $g$ - тортиш кучи тезланиши;

$K(h)$ - сув сарфи модули;  $d(x,t)$ - эгатда инфильтрацияда сув йўқотишга сарфи;  $t$  - вақт.

(2) тенгламадаги  $d(x,t)$  катталиги тупроқ-грунтлардаги сув ҳаракатининг икки ўлчамли масаласини ечиш асосида аниқланади, у эса Ричард тенгламаси орқали берилади:

$$M \frac{dP}{dt} = \frac{d}{dx} \left( K_w \frac{dP}{dY} \right) - \frac{d}{dY} \left( K_w \frac{dP}{dY} - K_w \right) + f \quad (3)$$

Бу ерда:  $M(p) = d\theta/dP$  капилляр намлик;  $\theta P$  ҳажмий намлик;  $P(x,y,t)$ - тупроқ намлиги босими;  $K_w(y,P)$ - тупроқ-грунтлардаги сув ўтказувчанлик коэффициенти;  $(X,P)$ - ҳисобларнинг горизонтал (сувнинг ҳаракати бўйлаб) ва вертикал координаталари;  $f(Y,P)$  – оқим функцияси, яъни ўсимлик илдизларининг сув ютиши.

Эгатда сувнинг  $t$  –вақтдаги юриши узунлиги  $X$

$$X(t) = L_0 \left\{ \frac{1}{(1 + \phi/h_k)} + \frac{\exp(P_1 \cdot t) \cdot \operatorname{erfc}(-\sqrt{P_1 \cdot t})}{(P_1/K_\phi) - (1 + \phi/h_k)} + \frac{\exp(P_2 \cdot t) \cdot \operatorname{erfc}(-\sqrt{P_2 \cdot t})}{(P_2/K_\phi) - (1 + \phi/h_k)} \right\} \quad (4)$$

$\operatorname{erfc}(-\sqrt{P \cdot t})$  Эҳтимоллар интегралининг сон миқдорини жадваллар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Тенгламани дифференциаллашдан сўнг эгат бўйича сув боши қисмининг юриш тезлигини вақтга боғлиқ равишда аниқлаймиз:

$$V_b = K_b \cdot L_0 \cdot \exp(-K_b \cdot t) \quad (5)$$

Сув оқими бош қисмининг бошланғич тезлиги :

$$V_{NB} = K_b \cdot L_0 \quad (6)$$

$t=0$ ,  $B_1 + C_2 = 1$ . Бўлгани учун

Демак, (5) тенгламадан боғланиш асосида (6) тенгламани қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$V_b = B \cdot V_{NB} \cdot \exp(-K_b \cdot t) \quad (7)$$

Шундай қилиб, эгатдаги сув баланси тенгламаси асосида грунт сувларининг ётиш чуқурлигини ва тупроқнинг бошланғич намлигини ҳисобга олган ҳолда мос равишда ядрогади математик модели яратилган, унинг ёрдамида эгатлар бўйича мақбул суғориш техникаси элементларини аниқлаш мумкин ва эгатлаб суғориш циклининг тўлиқ тадқиқотларини бажариш ва уни такомиллаштириш имконини беради.

Диссертациянинг **Биргаликда ғўза ва дуккакли экинларни етиштиришда ресурстежамкор суғориш тартиби ва технологияларини**

**қўллашни такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари** деб номланган, учинчи бобида, биргаликда ғўза ва дуккакли дон экинларини етиштиришда тажриба даласининг табиий иқлим шароитлари келтирилган ва тажриба даласини ўхшашлиги асослаб берилган. Ресурстежамкор суғориш тартиби ва эгатлаб суғориш техникаси элементларининг мақбул қийматлари аниқланган. Эгат охирида призма шаклидаги намланиш технологияси ишлаб чиқилган. Ғўза ва дуккакли дон экинларни ҳосилдорлиги асосланган ва фенологик кузатув тадқиқотлари олиб борилган. Шу билан бирга ресурстежамкор техника ва технологияларни татбиқ қилишда ёпиқ суғориш тизимларидан фойдаланиш тавсияси ишлаб чиқилган.

Дала тажрибаси Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги “Замирабону саховати” фермер хўжалигининг экин майдонларида олиб борилди.

**Тажриба тизими:** 1 вариант (назорат) – ғўза экилган, 2 вариант – ғўза+мош экилган, 3 вариант – ғўза+ловия экилган.

Мавсум даврида бериладиган умумий суғориш миқдорини қуйидаги формуладан топамиз:

$$M = \sum E - (W_n + P + \Gamma) + W_k, \text{ м}^3/\text{га} \quad (8)$$

Бу ерда:  $M$ –умумий суғориш меъёри, бир гектар ерга суғориш даврида бериладиган сув меъёри,  $\text{м}^3/\text{га}$ ;

$\sum E$  – бир гектар майдондаги экинларнинг ялпи сув истеъмоли,  $\text{м}^3/\text{га}$ ;

$W_n$  – экин экилган вақтгача тупроқнинг ҳисобий қисмидаги намлик,  $\text{м}^3/\text{га}$ .

$$W_n = 100 \cdot H \cdot d \cdot \beta_n, \text{ м}^3/\text{га} \quad (9)$$

$P$  – суғориш давридаги ёғингарчилик миқдори,  $\text{м}^3/\text{га}$ ;

$\Gamma$  – ер ости сувларидан суғориш давридаги ҳисобий ер қатламига кўтариладиган сув миқдори,  $\text{м}^3/\text{га}$ .

С.Ф.Аверьяновнинг формуласи ёрдамида “ $\Gamma$ ” миқдори ҳисобланди :

$$\Gamma = \sum E \left(1 - \frac{h_r}{h_n}\right), \text{ м}^3/\text{га} \quad (10)$$

$h_r$  – сизот сувининг чуқурлиги, м.

$h_n$ – капилляр сизот сувларининг кўтарилиши тўхтатилиш чуқурлиги,  $h_r = 3,0$  м.

$W_k$  – ҳосилни йиғиб олиш давридаги ҳисобий ер қатламидаги сув миқдори,  $\text{м}^3/\text{га}$ .

$$W_k = 100 \cdot H \cdot d \cdot \beta_k, \text{ м}^3/\text{га} \quad (11)$$

Бир марта суғоришга бериладиган сув миқдорини А.Н. Костяковнинг қуйидаги формуласидан топамиз.

$$m = 100 \cdot H \cdot d \cdot (\beta_{нс} - \beta_o), \text{ м}^3/\text{га} \quad (12)$$

Бу ерда:  $H$  – Ҳисобий ер қатлами, м.

$d$  – тупроқнинг хажм оғирлиги, тонна/ $\text{м}^3$

$\beta_{нс}$  – тупроқдаги намликнинг энг кўп миқдори, %.

$\beta_o$  – тупроқдаги намликнинг энг кам миқдори, %.

$\beta_0 = (0,6 \div 0,7) \cdot \beta_{нс}$  - эгатлаб суғоришда

Экиннинг умумий сув истеъмол қилиш миқдорини А.М.Алпатъев, С.М.Алпатъевларнинг формуласи ёрдамида аниқланади :

$$\Sigma E = H_0 \cdot K_б \cdot K_к \quad (13)$$

$K_б = 0,82$  биологик коэффициент миқдори,

$K_к = 0,78$  микроклимат коэффициент миқдори,

Н.Н. Иванов формуласи билан аниқлаймиз,

$$H_0 = 0,018 \cdot (100 - \alpha) \cdot (25 + t)^2, \text{ м}^3/\text{Га} \quad (14)$$

$$\Delta\alpha = 100 - \alpha \quad (15)$$

$$H_0^{oi} = \frac{\Delta\alpha(25 + t)^2}{55,5} \text{ м}^3/\text{Га} \quad (16)$$

$$H_0^{sym} = \frac{\Delta\alpha(25 + t)^2}{1695} \text{ м}^3/\text{Га} \quad (17)$$

$$H_0 = H_0^{sym} \cdot T, \text{ м}^3/\text{Га} \quad (18)$$

Умуман олганда ўсимлик танасининг 75-90% фоизи сувдан иборат бўлади. Сув, ўсимликда вегетация даврида бўладиган ҳар бир жараёнда фаол иштирок этади. Ўсимликларнинг сувга бўлган талаби бу давр ичида турлича бўлади. Биргаликда ғўза ва дуккакли дон экинлари (мош, ловия)ни етиштиришда ривожланиш даврига мос равишда сув сарфи тадқиқот йиллари учун ўртача кўрсаткичлари (1 - жадвалда ва 1,2,3 – расмда) келтирилган.

### 1-жадвал

#### Тажриба даласида вариантлар бўйича суғориш тартиби

Вариант	Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС дан % ҳисобида	Гуллагунча		Гуллаш-дуккаклаш		Пишиш		Амал даври охирида	
		бир кун-да м <sup>3</sup>	мав-сум-да м <sup>3</sup>	бир кун-да м <sup>3</sup>	мав-сум-да м <sup>3</sup>	бир кун-да м <sup>3</sup>	мав-сум-да м <sup>3</sup>	бир кун-да м <sup>3</sup>	мав-сум-да м <sup>3</sup>
Фақат ғўза экилган									
1	60-65-60	15,7	368,6	48,3	1384,2	42,6	1172,3	38,8	3276,4
Ғўза+мош									
2	65-60-60	13,4	300,1	40,2	1180,6	34,4	890,0	29,4	2370,7
3	60-65-60	19,0	450,8	54,9	1620,5	47,8	1260,1	39,5	3331,4
4	60-60-65	22,3	530,2	66,9	1980,3	58,5	1540,4	48,8	4050,9
Ғўза+ловия									
5	65-60-60	13,5	305,4	39,1	1150,4	33,4	920,8	29,7	2376,6
6	60-65-60	19,6	444,8	55,6	1550,8	47,8	1340,5	41,6	3396,1
7	60-60-65	22,5	528,4	66,2	1978,0	57,7	1528,3	47,4	4034,7

Ғўза+мош ва ғўза+ловия биргаликда етиштирилгандаги вариантларда ривожланиш давридаги сув сарфи бир-бирига яқиндир. Ҳар иккала вариантда ҳам сувга бўлган талаб гуллашдан дуккаклаш давригача ортиб, пишишдан амал даври охиригача камайиб боради. Тадқиқотларда

белгиланган суғориш тартибларидаги тупроқ намликлари ортгани сари ғўза+мош ва ғўза+ловия биргаликда етиштирилганда сув сарфи кўпайиб бориши аниқланди. Энг кам сув сарфланиш суғориш тартиби ЧДНС га нисбатдан 60-65-60% бўлганда кузатилди.

Бир марта суғориш меъёри миқдорини А.Н.Костяков формуласига билан аниқланди

$$m_p = 100 \cdot d \cdot H (\beta_{HB} - \beta_o) \text{ м}^3/\text{га} \quad (19)$$

Бу ерда:  $m_p$  – ҳисобий бир марта суғориш меъёри, м<sup>3</sup>/га;

$H$  - тупроқнинг ҳисобий қатлами, м;

$d$  - тупроқнинг хажм оғирлиги, тонна/м<sup>3</sup>

$\beta_{HB}$  – энг кичик нам сифими, тупроқнинг хажм оғирлигига нисбатан % ҳисобида;

$\beta_o$  – суғоришдан олдинги тупроқ намлиги, % ( $d$  га нисбатан)

Ҳақиқий суғориш меъёри Н.В.Данильченко томонидан тавсия этилган услуб билан аниқланди. Ҳар бир суғоришдан олдин 2,0 м<sup>2</sup> майдонда суғориш меъёрига тўғри келадиган хажм миқдорида сув қуйилади. Бу майдончаларда икки кундан кейин намликни аниқлаш учун намуналар олиниб тупроқнинг намланиш чуқурлиги ( $H$ ) аниқланди. Ҳисобланган ва ҳақиқий намланиш ўртасидаги фарқ зарур бўлган ҳақиқий суғориш меъёрини аниқлаш имконини беради.

$$m = 100 \cdot d \cdot (H \cdot \Delta H) \cdot (\beta_{HB} - \beta_o) \text{ м}^3/\text{га} \quad (20)$$

Бу ерда:  $\Delta H$  – ҳақиқий ва ҳисобли қатлам намланиши ўртасидаги фарқ, м.

Намланиш чуқурликлари фарқи бўйича суғориш нормасининг тузатиш коэффициентлари аниқланди.


$$K = \frac{m}{m_p} \quad (21)$$

Бу ерда:  $K$  - суғориш жараёнида сувнинг буғланишга сарфланишини ҳисобга олувчи коэффициент.


Ер ости сизот сувлари сатҳини ҳисобга олиш учун тажриба даласида ва унинг атрофида 5 м чуқурликда кузатиш қудуқлари қурилди, ҳар бир суғоришдан олдин ва кейин, ҳар бир декадада кузатишлар олиб борилди.

Ғўза, мош ва ловияларни суғориш режимини, суғориш муддатларини ва суғоришлар орасидаги даврларини сув тақчиллиги шароитида интеграл эгриси ёрдамида танланган йилдаги сув таъминотига мос келадиган эҳтимолликнинг ортиб боришини ҳисобга олиб сув истеъмоли тақчиллигининг декадалик қийматларини графоаналитик усулда аниқлаш мумкин. Сув тақчиллигининг декадалик миқдорини мавсумий суғориш меъёри ва унинг мавсум ичида тақсимланишини билган ҳолда аниқлашимиз мумкин.


Сув истеъмолининг декадалик тақчиллиги бўйича интеграл эгрисини координата ўқлари тизимида координата ўқида сув тақчиллиги, абсцисса ўқида эса – календарли вақтни жойлаштирилиб аниқланди (1, 2, 3 - расм).



1-расм. Пахта экилгандаги суғориш тартиби



2-расм. Пахта билан ловия биргаликда экилгандаги суғориш тартиби




### 3 - расм. Пахта билан мош биргаликда экилгандаги суғориш тартиби

Шартли белгилар:

$m$  - бир марталик суғориш меъёри  $m^3/га$ ;  $\Delta t$  - суғоришлараро муддат, кун;


$t$  - суғоришни ўртача муддати, кун;  $M$  - мавсумий суғориш меъёри  $m^3/га$ .

Биргаликда ғўза ва дуккакли дон экинларини етиштиришда ресурстежамкор суғориш техника ва технологиясини яратишда ҳар битта тажриба майдонига 12 тадан эгатдан тўғри келди, ҳимоя учун – 6 та эгат (4-расм).



4-расм - Тажриба тизими

Шартли белгилар:



Ўқ ариқ



- тупрокнинг намлигини аниқлаш жойи



- тупрокнинг сув-физик, химик хусусияти ва механик таркибини аниқлаш жойи;



- ер ости сувлари сатҳини кузатув қудуғи жойи;



- финалогик кузатиш жойи;



- сув ташламаси ҳимоя валиги;



- сув ўлчаш ускунаси;

6 0 - 6 5 - 6 0 - суғориш схемаси, 60-гуллашгача, 65-гуллаш, 60-пишиш даври.

Эгатлар бўйича суғоришнинг технологик схемаси 4 та вариант бўйича ўрганилиб чиқилди:

- 1-Суғориш меъёри билан узун берк эгатлар орқали ҳаракатланиш,
- 2-Ўзгарувчан оқим билан, узун берк эгатлар орқали ҳаракатланиш,
- 3-Ўзгарувчан оқим билан, ўртача берк эгатлар орқали ҳаракатланиш,
- 4-Ўзгарувчан оқим билан ўртача очик эгатлар орқали ҳаракатланиш.

1-вариант. Эгат узунлигини ва суғориш сувининг оқимини максимал масофага ҳаракатланиши танлаб олинди. Сув бериш суғориш меъёри миқдорига етган вақтда тўхтатилади.

Суғориш вақти  $t_{пол} = t_{доб}$

2-вариант. Суғориш икки босқичда олиб борилди. Аввал сув мумкин имкон қадар оқим билан берилади, кейин оқим эгат охирига етиб борганда эгат бошидаги сув бериш миқдори сувнинг етиб бориш миқдоригача камайтирилади.

$$q_{неp} = q_{зол} - q_{сбр}$$

Бундай схемадан бўйича суғориш сувнинг ҳаракатланиш меъёри ҳисобли суғориш меъёридан камроқ бўлганда фойдаланиш мумкин:

$$m_{доб} < m_{расх}$$

Суғоришда тўлиқ сув бериш меъёри

$$m_{пол} = m_{доб} + m_{неp}$$

Суғориш вақти

$$t_{пол} = t_{доб} + t_{неp}$$

3-вариант. Ўртача берк эгатлар орқали суғориш фақат эгат охиригача суғориш суви оқимининг ҳаракатланиш вақти ҳисобга олинган суғориш меъерининг оқиб кетиш вақтига мос бўлганда кичик меъёрларда суғоришда қўлланилиши мумкин.

Эгат охирида ҳосил бўладиган сув ҳажми эгатнинг бутун узунлиги бўйича намланиш эпюрасининг тенглаштирилишига олиб келди. Сув

хажмининг етишмаслиги юз берганда суғориш вақтида қўшимча сув бериш амалга оширилади.

$$t_{пол} = t_{дооб} + t_{пер}$$


Бунда  $t_{дооб}$  - сув оқимининг эгатда ҳаракатланиш вақти.

4-вариант. Ўртача очик эгатлар орқали суғориш кичик меъёрларда суғоришда қўлланилади, бу схема иккинчи схемадан озгина фарқ қилади.

Бир текис намланишнинг энг катта қиймати берилган суғориш меъёрида узун эгатларда берк орқали ўзгарувчан оқим билан беришда кузатилди.


Биринчи технологик вариант бўйича суғоришда унумдорлик юқори, лекин сугориш сифати паст. Шунингдек иккинчи технологик вариант бўйича суғоришни олиб боришда ҳам унумдорликнинг юқори кўрсаткичига эришилади.

Сув ўтказувчанлиги Лактаев Н.Т. классификацияси бўйича Андижон вилояти шароитида ғўза ва дуккакли дон экинларини биргаликда етиштириш учун суғоришда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги қийматлари аниқланди. Булоқбоши туманидаги «Замирабону саҳовати» фермер хўжалигидаги ерлар ўрта соз тупроқ- грунтлари туркумига киради, вегетация бошида биринчи соатнинг охирида сувнинг шимилиш тезлиги  $-0,056$  м/соатни, вегетация ўртасида  $-0,042$  м/соат, фильтрация коэффиценти  $0,017$  ва  $0,014$  м/соатни ташкил қилди (5-расм).



**5 - расм Тажриба даласида тупроққа сувнинг шимилиш тезлиги**

Ѓўза ва дуккакли экинларни биргаликда етиштиришда эгатлаб суғоришда эгат охирида призма шаклида намланиш технологияси ишлаб чиқилди (6-расм).



**6 - расм. Ѓўза ва дуккакли экинларни биргаликда етиштиришда эгатлаб суғоришда эгат охиридан призма шаклида намланиш технологияси.**

$$L_{\text{приз}} = \frac{m}{i} = \frac{800}{0.002} = \frac{0.8}{0.002} = 40 \text{ м}$$

$m$ -суғориш меъёри, м

$i$ - эгатнинг нишаблиги

Дала тажриба майдонимизда биргаликда ғўза ва дуккакли дон экинларини етиштиришда эгатлаб суғориш техникаси элементларини кўйидаги миқдорларда қабул қилдик:

$$i=0,0018-0,002, q-0.6-1.2 \text{ л/с}, a-0.9 \text{ м}, t-8-12 \text{ соат}, L-250 \text{ м}.$$

Диссертациянинг **Биргаликда ғўза ва дуккакли дон экинларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги** деб номланган тўртинчи бобида бир гектар суғориладиган майдонда ғўза ва дуккакли дон экинларини биргаликда етиштириш агротехникасига ва сарфланган бошқа харажатлар ҳисоблаб чиқилди, бир гектар ғўза даласидан қўшимча 14082 минг сўм соф фойда олинди.

Жами қўшимча маҳсулот қиймати 1 гектарга ғўза+дуккакли экинлар экилганда пахта учун 358,02 минг сўмни, мош учун 7000 минг сўмни, ловия учун эса 8800,0 минг сўмни ташкил этди. Пахта, мош ва ловия учун биргаликда 16158,2 минг сўмни ташкил этди.

Демак, бир гектар суғориладиган майдонда ғўза агротехникасига асосланган ҳолда қўшимча равишда катта миқдорда харажатлар қилмасдан икки хил экин етиштириш, тупроқ унумдорлиги сақлаб қолиш ва мунтазам ошириб бориш, унинг агрофизик ҳамда сув-физик ҳолатларини мақбул даражада сақлаб қолиш, энг асосийси суғориладиган майдонлардан ва сувдан самарали фойдаланиш ҳамда қўшимча даромад олиш имконини беради.

## ХУЛОСАЛАР

Биргаликда етиштирилаётган ғўза ва дуккакли экинларни илмий асосланган суғориш тартиби ва технологияси (Андижон вилояти шароитида) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Назарий ҳамда амалий илмий тадқиқот ишлари натижасида бугунги глобал иқлим ўзгариши, сув тақчиллиги шароитида экинларни суғоришда биоиклим усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланди. Бу усул Андижон вилояти бўз тупроқлари шароитида мавсум бўйича гектаридан 800-900 м<sup>3</sup> гача сув тежашга имкон беради.

2. Биргаликда ғўза ва дуккакли экинларни етиштиришда ўзгарувчан оқим билан узун берк эгатлар орқали суғориш усулини танлаш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланди. Натижада эгат охирида призма шаклида намлинишни ҳосил қилиб, эгат бўйлаб текис намланишга имкон беради.

3. Эгат бўйлаб сувни ҳаракатланишини математик моделини танлаш мақсадга мувофиқ. Бу билан суғориш вақтини аниқ белгилашга имкон беради.

4. Суғориладиган майдонларнинг нишаблиги  $i=0,0018-0,002$ ; эгат узунлиги  $l=250$  м; эгат орасидаги масофа  $a=0,9$  м; эгатдаги сув сарфи  $q=0,6 - 1,2$  л/сек,  $t = 8-12$  соат суғориш вақти меъёри бўйича суғориш техникаси элементларини танлаш мақсадга мувофиқ. Натижада эгатлардан, сувдан фойдаланиш коэффицентини кўтаришга имкон беради.

5. Ғўза ва дуккакли дон экинларини ҳамкорликда экиш тупроқнинг сув физик ва агрохимёвий хоссаларига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ғўза билан дуккакли дон экинлари етиштирилганда ҳайдов қатламни ҳажмий оғирлиги 1,40-1,39 г/см<sup>3</sup> ташкил этди. Натижада қишлоқ ҳўжалиги экинлари илдизининг фаол ривожланишига имкон беради.

6. Ҳайдов қатламидаги гумус ва азот миқдори 0,11 - 0,2 фоизга ошганлиги аниқланди. Худди шундай хусусият ялпи фосфор ва умумий калий миқдори бўйича ҳам сақланганлиги илмий асосланди. Натижада ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга имкон беради.

7. Бир гектарга ғўза ва дуккакли дон экинларини биргаликда етиштирилганда қўшимча соф фойда 14082 минг сўмга тенг бўлиши аниқланди. Натижада аҳолини озиқ - овқат билан таъминланганлиги даражасини оширишга имкон беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ЭГАМБЕРДИЕВА ШАХНОЗА АБДУРАШИДОВНА**

**НАУЧНОЕ ОБОСНОВАНИЕ РЕЖИМА ОРОШЕНИЯ И  
ТЕХНОЛОГИИ ПОЛИВОВ СОВМЕЩЕННОГО ПОСЕВА  
ХЛОПЧАТНИКА И БОБОВЫХ КУЛЬТУР (В УСЛОВИЯХ  
АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ)**

**06.01.02 – Мелиорация и орошаемое земледелие**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент–2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.1.PhD/Т.555**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.tiame.uz](http://www.tiame.uz) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:**

**Серикбаев Бакир Серикбаевич**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Рахимов Шавкат Хударгенович**  
доктор технических наук, профессор  
**Сабитов Амонулло Убайдуллаевич**  
кандидат технических наук

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный  
аграрный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Т.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниёзий, 39. тел.: (99871) 237-22-67, 237-22-09, факс: 237-54-79. e-mail: admin@tiame.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (регистрационный номер \_\_\_\_\_). Адрес 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниёзий 39, тел.: (99871) 237-22-67.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.)

**Т.З.Султанов**

Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н.

**А.А.Янгиев**

Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н.

**А.Т.Салохиддинов**

Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В связи с увеличением числа населения в мире быстрыми темпами рациональное использование земельных и водных ресурсов при орошении сельскохозяйственных культур имеет важное значение. В этой связи, совершенствование режима и технологии орошения при выращивании сельскохозяйственных культур является одним из важнейших задач. В этом направлении в ведущих странах США, Канада, Россия, Израиль, Япония, Южная Корея, Китай и в других развитых странах уделяется особое внимание на обеспечение населения продуктами питания, а также на возделывание сельскохозяйственных культур наряду с экономией земельных и водных ресурсов.

В мире проведение целевых научно-исследовательских работ имеет важнейшее значение, направленное на улучшение мелиоративного состояния земель, определение поливных и оросительных норм совместно возделываемых культур, совершенствование режима орошения, техники и технологии полива, повышение эффективности водопользования, на разработку способов оценки взаимосвязи с урожайностью совмещенных культур. В этом направлении, особое значение приобретает осуществление научных исследований, в том числе, направленных на совершенствование режима орошения и технологии полива при совместном возделывании двух видов сельскохозяйственных культур в одном сезоне на одном поле.

В настоящее время в республике широко осуществляются мероприятия по совершенствованию режима орошения и технологии полива при возделывании хлопчатника и бобовых культур в одном сезоне на одном поле, повышению получаемой урожайности на землях с обогащением плодородия почвы, а также по совершенствованию способов рационального использования водных и земельных ресурсов. Обозначена важной задачей уделение особого внимания в стратегии Действий по дальнейшему развитию Узбекистана в 2017-2021 годах, в том числе, «...внедрение интенсивных способов в сельскохозяйственное производство, прежде всего применение современных агротехнологий, сберегающих водные и земельные ресурсы»<sup>1</sup>. Приобретают особое значение научные исследования по выполнению этой задачи, в том числе по совершенствованию режима орошения и технологии полива сельскохозяйственных культур, повышению плодородия орошаемых земель, получению два, три урожая за один год с одного гектара, рациональному использованию земельных и водных ресурсов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для выполнения задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлении ПП-3405 от 27 ноября 2017 года «О государственной программе по развитию

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

ирригации и улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель на 2018-2019 годы» и в других соответствующих данной деятельности нормативно-правовых документах.

